

ТҶҲ МҶБОРАК, СЕРҶУЁШ ЎЗБЕКИСТОН!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССРОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ
ЎЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

ЯШНАЙВЕР, ҲУР РЕСПУБЛИКАМ

Жонажон Ўзбекистон, азиз дийрими, эй сен қуёш ўласи, Шарқда коммунизмнинг ўлмас машъали! Қирғ ёшинг, қирғ баҳоринг муборак бўлсин! Сени бутун эл, бутун мамлакат муборакбод қилади, эй муаллам дўстлиги дийри! Совет халқларининг дўстлиги оиласидан барча оғанилар, қон-қардошларимиз сен тугилган нунда қалбларидан энг нозик, энг латиф, меҳр-муҳаббат тўла туйғулари, оқ-қилларини, қуёшли республикам, сенга йўлламоқдалар, навқирон қирғ ёшинг билан табрик этмоқдалар.

Ўзбекистон! Сен маҳонга, буюк Навоий ва Улуғбек, Беҳзод ва Нодир, ибн Сино ва Беруний, Муқимий ва Ҳамза каби қўллаб-қувватловчи сиймоларин берган ўласан! Ота-боболаримизнинг меъморчилиги, ҳунармандчилиги, қанчалар, сугориш шоҳобчалари барпо этиш, пахтачилик, боғдорчилик соҳасидаги саҳоватли ишлари серқувш ўлкасининг қадимий маданиятидан далолатдир. Лекин феодализм тузуми шартинда, мустамлакатчилик шартинда халқнинг битмас-туганмас таланти, ижоди зулм-жаҳолат ботиқонда, ҳақсизликда, эрксизликда бўғилиб ётарди.

Бахтимизга яхшиям улуғ Ленин партияси бор экан, яхшиям Улуғ Октябрь революцияси бор экан, бизга чинакам бахт-саодат, озодлик йўлини очиб берди. Халқ оmmasининг бўлоқдек қайнаб турган ижод ва талантларини рўйга чиқариб юборди. Биз тараққиётнинг азобли босқичи, капитализмни четлаб ўтиб, феодализмдан тўла-тўғис социализм йўлига, ёрқин коммунизм йўлига чиқиб олдим. Мана, бугун социализмнинг тузумининг барча имкониятлари, партиямиз доно Ленинча миллий сиёсатининг самараларини кўриб бениҳол қувонмоқдамиз.

Шонли қирғ йил. Қураш ва ғалабалар йили бу! Жанговар йиллар, шухрати ҳеч қачон сўнмас йиллар бу! Чет эл интервентлари, оқгардинчилар, босмачилар, миллатчилар, ҳар хил турдаги душман элементлар Совет Ўзбекистонининг эришган муваффақиятларини, Ленинча миллий сиёсатининг ажойиб самараларини ерга уришга, Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини барбод этишга бор қучлари билан уриниб кўрдилар. Лекин уларнинг ҳамма уринишлари барбод бўлди. Ленин барпо этган халқлар дўстлигининг мустақим қўрғони — Советлар Иттифоқи, ана шу оиланинг фарзанди — Совет Ўзбекистони машъалдан нур сочиб тураверди.

Совет Ўзбекистонининг ҳазирги қиёфасига бир назар ташванг, унинг қудратига, улғуворлигига, гўзаллигига қўйил қолмасдан бўлади. Замонамизнинг улкан индустрияси, саноатининг янгида-янги соҳалари, нуҳ-қудратга тўлган қолхоз ва совхозлар, механизация-лашган қишлоқ хўжалиғи, пахтакорлик шароитининг улғуворлиги, фан-маданиятимизнинг барқ уриб юрсаётганлиги, аниқлиб, ишбилармон, таълимлотчи кадрлар армиясининг етишиб чиққанлиги — буларнинг ҳаммаси совет тузумининг, партиямиз Ленинча миллий сиёсатининг ажойиб натижасидир. Бир вақтлар ишлаб чиқаришнинг даққиюнсудан қолган энг оддий формалари мавжуд бўлган ўлкада, энди энг қудратли, ўша вақтдагидан 25 баравар ортиқ индустрия барпо этилди. Биз «қ олтиндан тоғлар бунёд этдим. Етиштиратган пахтамиз революциядан олдинги даврдагига нисбатан 7 марта кўпдир. Юбилейимиз арафасида 3 миллион 450 минг тоннадан ортиқ пахта тайёрлаб, планни муддатидан олдин адо этдим.

Ўзбекистон фаровонлиги, мўл-қўлчилик дийри. Унинг саҳий ерлари, шифобахш суварли, мезибадор қуёш ва ниҳоят инодир, таллант халқи беҳисоб нозу неъматлар, моддий бойликлар яратмоқда. Нефть ва газимизни, қўмир еки рангли, нодир металлларимизни айтилким, оромбахш-шифобахш жойларимизни айтилким, ҳаммаси халқ қўлида, инсон бахт-саодати хизматига! Олтиндан қиммат пилламинз, маҳонга машҳур қоракўлимиз, ширин-шарбат мева-дариларимизни нўз олдингизга нейтиринг!

Социализмнинг илғимий ва давлат тузуми сенинг, жонажон Ўзбекистон, кучогингизда беҳисоб, битмас-туганмас бойликлар хазинасини очиб юборди, уни инсон манфаатига сарфлаш йўларини кўрсатиб берди. Шунинг учун ўзбек халқи ўзининг бахтиёр ҳаёти, порлоқ нажмаги учун жонажон Коммунизм партиядан, катта оғамиз рус халқидан, ўзининг барча қардошларидан абадий миннатдордир.

Бугун байрам, шодона кун. Жонажон қуёшли ўлкамиз қирғ ёшга тўлди. Жанговар қураш йилларимизда раҳнамо бўлган, голибона юртимизга сайлаб берган КПССнинг жанговар отряди — Ўзбекистон Компартиясининг қирғ йиллиги кун. Шундай қувончли, шодона кунларда халқларимиз дўстлигининг голибона байроғини янада баланд кўтариб, коммунизмнинг нури қўқиллари сари дадил бошлаб бораётган доно Коммунистик партиямизга, жонажон Совет ҳукуматимизга, Ленинча Марказий Комитетга чин қалбимиздан: меҳрибонлик, буюк ғамхўрлик учун, бугунги бахтиёр ҳаётимиз учун, янада порлоқ нажмаимиз учун, ҳаммаси, ҳаммаси учун минг-минг раҳмат, офарин, оқиллар дейиш! Партиямиз XXII съезди, Коммунизм Программиси истибқолининг йўлини йўлчи юлдуздек ертиб турибди.

Шарқда социализмнинг машъали Совет Ўзбекистони байрам либосида. Бу байрам дўстлиги, қардошлиги байрами, Фаровонлиги, Тинчлиги, Бахт-саодат ва Тегили байрами. Бу коммунизм голларининг ажойиб тантанаси, индодор халқ меҳнатининг тантанасидир! Байрамимизга, улуғ айёмимизга муборак бўлсин, азиз ота-оналар, дўстлар, қардошлар, ана-укалар, опа-сингиллар!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ-НИНГ 40 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИДА ҚАТНАШИШ УЧУН

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллиги байрамида қатнашиш учун 19 ноябрда Тошкентга келди.

РФСР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари М. А. Яснов бошчилигидаги РСФСР делегацияси, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзоллигига кандидат, Грузия Марказий Комитетининг биринчи секретари В. П. Мжаванадзе бошчилигидаги Грузия делегацияси, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Ю. Охундов бошчилигидаги Озарбайжон делегацияси, Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Н. Заробян бошчилигидаги Арманистон делегацияси Л. И. Брежнев билан бирга келдилар.

Аэродромда Л. И. Брежневни ва келган меҳмонларни КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари ва Президиум аъзоллигига кандидатлар, қарлош республикаларнинг Тошкентга келган делегацияларининг раҳбарлари, Ўрта Осиё ташкилотларининг раҳбар ходимлари кутиб олдилар. (ЎзТАГ).

А. Н. КОСИГҲН АҚШ САВДО-САНОАТ ВАКИЛЛАРИ-НИНГ БИР ГРУППАСИ БИЛАН УЧРАШДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. КосигҲн 19 ноябрда суҳбатлашиш учун АҚШ савдо-саноат доиралари вакилларидан бир группасини қабул қилди. А. Н. КосигҲн билан америкалик бизнес-

менлар ўртасида Совет—Америка савдо-иқтисодий муносабатлари масалалари юзасидан фикр олишув бўлди.

Суҳбатда СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико иштирок этди. (ТАСС).



ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Ўзбекистон ССР қолхозчиларига, совхозларининг ишчиларига, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларига, барча меҳнаткашларига

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Совет Ўзбекистонининг қолхозчиларини, совхозларининг ишчиларини, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларини, партия, совет, комсомол, қасаба-союз ташкилотларининг ходимларини, барча меҳнаткашларини меҳнатда эришилган катта ғалаба билан — давлат пахта тайёрлаш планни муваффақиятли бажаришдаги билан чин юракдан табриклайди. Республиканинг қолхоз ва совхозлари тайёрлов пунктларига 3 миллион 450 минг тонна пахта топширдилар ва пландан ташқари 150 минг тонна пахта топшириш ҳақида мажбурият қабул қилдилар.

Андижон, Фарғона ва Тошкент областларининг ажойиб миришкор пахтакорлари уларнинг оширилган социалистик мажбуриятларини муваффақият билан бажариб, пахта топширишни давом эттирмоқдалар. Андижон областидаги хўжаликлар давлатга 800 минг тонна — планда кўрсатилганидан 50 минг тонна кўп пахта топширдилар. Фарғона областидаги қолхоз ва совхозлар пландан ташқари 36 минг тонна, Тошкент областидаги қолхоз ва совхозлар пландан ташқари 38 минг тонна ва Қашқадарь областидаги қолхоз ва совхозлар пландан ташқари 22 минг тонна пахта топширдилар. Қўғина илгор қолхоз ва совхозлар, комплекс механизациялашган бригада ва звенолар гектар бошига 30-35 центнер ва бундан ҳам ортиқ пахта олдилар.

Республика хўжаликларидан пахта етиштиришнинг илгор усуллари кенг қўлланили, пахта теримида техникадан жуда яхши фойдаланилди. Пахта териш машиналари билан 800 минг тонна — 1963 йилда ма-

шиналарда терилган пахтага нисбатан 225 минг тонна кўп пахта йиғиштириб олинди. Ялли пахта ҳосилининг қарийб 50 процентини машиналарда терган Сирдарё областининг ва ялли пахта ҳосилининг қарийб 40 процентини териб олган Тошкент областининг механизаторлари фидокорлик билан ишладилар.

Республика қолхоз ва совхозлари дон, тухум, қоракўл тери, қаноп, пояси, сабзавот, полиз экинлари маҳсулоти ва пилла тайёрлаш планларини ҳам тўла ва ошириб бажардилар.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари бу муваффақиятларга пахтакорлар фидокорона меҳнат қилганликлари ва уларнинг маҳорати ошганлиги, партия, совет, комсомол, қасаба-союз ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органлари ташкилотчилик ишлари ва сиёсий ишни моҳирлик билан олиб бораётганликлари натижасида эришдилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ишонч билдирадиларки, республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга пландан ташқари пахта топшириш юзасидан олган мажбуриятларини бажардилар ҳамда пахта, сабзавот, гўшт, сут, пилла, қоракўл тери, жун, мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтиришга эришадилар. Бу билан ўзбек халқи мамлакатимизда коммунизм қўриш ишига катта ҳисса қўшади.

КПСС МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ

СССР МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республикадаги қолхоз ва совхозлар давлатга пахта топшириш йиллиги планини муддатидан олдин бажарганликлари КПСС Ленинча Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советига аъз хурсандчилиги туйғуси билан маълум қиладилар. Ватан Ўзбекистон пахтакорларидан 3 миллион 450 минг тонна пахта олди. Пахтанинг 83 проценти биринчи сортлар билан тайёрланди.

Бу ғалаба шунинг учун айниқса қимматли ва қувончли, у муҳим воқеа — республика ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллик юбилеи арафасида қўлга киритилди.

КПСС Марказий Комитети ва Иттифок ҳукуматининг гоат катта ёрдами мўл пахта учун курашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Қолхоз ва совхозлар бу йил кўп миқдорда қишлоқ хўжалик техникаси, минерал ўғит, заҳарли химикатлар ва транспорт воситалари олдилар.

СССР Министрлар Советининг машинада терилган пахта нархла-

рини ошириш тўғрисидаги қарори бебаҳо роль ўйнади. Бу қарор пахтачиликни комплекс механизациялаштириш аниқ олдириш тўғрисида партия ва Совет ҳукумати қилган ғамхўрлигининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Бу қарор пахтани машинада қўлроқ терилган қолхоз ва совхозларининг манфаатдорлигини оширди, пахта териш техникасига кенг йўл очиб берди, пахтакорларнинг сиёсий активлигини ва меҳнат ғайратини янгида кучайтириб юборди.

Тошкент области пахта териш ва тайёрлашни тезроқ ўтказиш учун бошланган мусобақанинг олдинги сафарида бормоқда. Область қабул пунктларига 338 минг тоннадан ортиқ пахта топшириб, давлат планни ҳамда олинган мажбуриятларини мисли қўрилмаган ҳисса муддатларда адо этди.

Пахта етиштириш соҳасида мамлакатда энг йирик ҳисобланган Андижон области меҳнаткашлари ўтган йиллардагидек бу йил ҳам ўз муваффақиятлари билан Ватанини хурсанд қиладилар. Улар давлатга 800 минг тоннадан кўпроқ пахта сотдилар ва пландан ташқари 50

минг тонна пахта топшириб, ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 27 центнер пахта териб олдилар.

Фарғона области планини биринчи қаторда бажариш ҳамда Ватанга 485 минг тонна пахта берди.

Бу йил Қарши қўлида ташкил этилган Қашқадарь областининг пахтакорлари пахта тайёрлаш планини анча ошириб бажардилар.

Сурхондарь, Сирдарь, Хоразм, Бухоро, Самарқанд областлари ва Қорақалпоғистон АССР планини бажариш арафасида турibd.

Республика совхозлари катта ютуқларга эришди. Бу йил улар мўл ҳосил етиштириб, пахта тайёрлаш давлат планини ортиг билан бажардилар ва хўжалигининг рентабеллигини даражасини оширдилар.

Юзлаб қолхоз ва совхозлар пахтадан мўл ҳосил етиштириб, ҳар гектар ердан 27-30-35 центнер хирмон кўтардилар.

Республикада гектар бошига 45-50 центнер пахта етиштирган бригадалар кўп. Бўна районидан Тельман номи қолхозининг Х. Қодиров, Поп районидан «Ленинград» қолхозининг М. Жумаева, Балиқчи районидан «Пахтакор» қолхозининг Т. Сатторов, Фўзор районидан Карл Маркс номи қолхозининг Н. Меликулов, Денов районидан генерал Раҳимов номи қолхозининг Б. Чориев, Каттақўрғон районидан Крупская номи қолхозининг З. Ҳамидова, Ромитан районидан «Коммунизм» қолхозининг Р. Омонов бошлиқ бригадалари ана шулар жумласидандир.

Янгилик районидан Аваз Ўтар ўғли номи қолхозининг Исқандар Юсупов бошлиқ бригадаси рекорд ҳосил етиштирди. Бу бригада 63 гектар ернинг ҳар гектаридан 54 центнер пахта олиб, пахта тайёрлаш планини 168 процент бажарди.

Коммунист ва комсомоллар ҳосилни етиштириш ва териб олиш давридаги ҳамма яхши ишларининг раҳнамоси бўлдилар. Улар қишлоқ ишжоякдорона меҳнат қилишга суварли ва ишлари билан илҳомлантириб турдилар.


Қолхоз ва совхоз ишлаб чиқаришда фан ютуқлари ва илгор хўжаликларнинг тажрибасидан, меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив формаларидан кенг фойдаланилганлиги бу йилги муборакбод ш-

роитда мўл ҳосил етиштиришга ва уни муваффақият билан териб олишга ёрдам берган муҳим омил бўлди. Қолхоз ва совхозларда уч мингдан ортиқ комплекс механизация бригадалари ва звенолари ташкил қилиниб, бу бригада ва звенолар бутун мамлакатга машҳур механизаторлардан Турсуной Охунова, Валентин Тюпко ва Жаҳод Кўчиевлар жорий этган прогрессив технология асосида ишламоқда.

Бу йил республикадаги қолхоз ва совхозларнинг пахта далаларида 14.000 дан ортиқ пахта териш машинаси ишлади. 800 минг тонна пахта — тайёрланган бутун ҳосилнинг 23 проценти ана шу машиналарда териб олинди.

Сирдарё областининг қолхоз ва совхозлари 185 минг тонна пахта-ни, яъни тайёрланган бутун ҳосилнинг қарийб 50 процентини, Тошкент областининг хўжаликлари ҳосилнинг қарийб 40 процентини машиналарда йиғиштириб олдилар ва бу билан пахта теримидаги ишларни юксак даражада механизациялаш намунасини кўрсатдилар.

(Оқири иккинчи бетда).



Кимёгар Чирчиқнинг файзи, чиройи,
Дўстлик гулларида ям-яшил боғи,
Чилонзор кўнида сўнмайди ойи,
Анхор устидаги хулкар оқшомлар.

Халцлар дўстлигининг асил пойтахти,
Жон Ўзбекистоннинг гурури, бахти.
Тошкент жамолидан бахраманд инсон,
Шаҳрим хусни наби нурлар оқшомлар.

Матруф КОРНЕВ

Ҳамроқул ТУРСУНҚУЛОВ,
Тошкент область, Янгийўл бошқармасидаги «Шарқ юлдузи»
колхозининг раиси, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.
